

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳих: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишига руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

М.Исамиддинов

Қадимги Фарғона ва Суғд кулолчилигини ўрганишнинг айрим долзарб масалаларига доир 72

Б.Усмонов

Фарғона водийси Темурийлар даври тарихининг жаҳон темуршунослигига ўрганиши 77

Лианг Юн, Н.Камбаров

Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари 81

О.Пуговкина

Туркистонда 1917 йил февраль инқилоби: Туркистонда "собиқ" империя амалдорларига бўлган ижтимоий эҳтиёж ва уларнинг сиёсий фаоллиги 90

А.Ўткиров

Хайрия ва ҳомийлик феномени илмий-назарий таҳлили 98

С.Хакимова

XIX-XX аср боши тарихий манбаларида Ўзбекистон ҳудудидаги сув ҳавзаларига оид маълумотлар 103

С.Анаркулов

Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг этник тарихи ва таркиби ҳусусида 110

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.Қобилова, Н.Турсунова

Татаббулар силсиласи 118

П.Туропова

Услуб жилолари ёхуд адаб маҳорати 123

Д.Гуломов

Ретроспектив сюжет ҳусусида айрим мулоҳазалар 128

М.Махмудова

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даврида сув иншоотлари ва боғдорчилик санъати 134

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, Н.Ғайбуллаева

Тиббий эвфемизмларнинг социал ҳосланиши 138

Т.Эназаров, С.Ғаниева

Инглиз ва ўзбек тиллардаги аёллар исмларининг келиб чиқиши тарихидан 145

М.Мамажонов

Антропонимларни дискурс релевантси сифатида тадқиқ этишнинг лингво-этномаданий асослари 150

Ж.Абдуллаев

Тил қурилишининг асосий бирликлари академик Азим Ҳожиев талқинида 155

Д.Собирова

Ўзбек болалар шеърияти морфопоэтикаси 160

Д.Шокирова, Ш.Шокиров

Инглиз тилида "property-мулк" концепти тадқиқи 164

Н.Абдурахмонова

Ўзбек тили электрон корпуси учун матнлар репрезентативлиги масаласи 169

А.Мусоева

Cefr-нинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар 174

ТИЛШУНОСЛИК

УДК 8; 81; 811

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРДАГИ АЁЛЛАР ИСМЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТАРИХИДАН

ИЗ ИСТОРИИ ПРОИСХОЖДЕНИЯ АНГЛИЙСКИХ И УЗБЕКСКИХ ЖЕНСКИХ ИМЁН

FROM THE HISTORY OF ORIGIN OF ENGLISH AND UZBEK FEMALE NAMES

Эназаров Толиб Жуманазарович, Ганиева Саодат Абдухафизовна

¹Эназаров Толиб Жуманазарович

- А. Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёт университети ф.ф.д., профессор.

²Ганиева Саодат Абдухафизовна

- Тошкент давлат стоматология институти иницилиз тили ўқитувчиси

Аннотация

Мақола ўзбек ва инили тилларидағи аёллар исм ва фамилиялари -антропонимларининг тарихий ривожланишини ўрганишга қаратилган. Мұхым тарихий босқычларда шаклланишига бевосита таъсир күрсатған антропонимларнинг келиб чиқиши, шаклланишининг ўзиға хос хусусиятлари, ва уларнинг шаклланишига турлы хил тарихий жараёнлар таъсир күрсатғанлығига алоҳида эътибор берилади. Мақолада турлы хил тарихий даврларда энг кўп учрайдиган исмлар мисол тариқасида келтирилган. Мақоланинг долзарблиги антропонимларда тилга оид морфологик ва семантик тенденциялар акс этиши билан белгиланади, бу эса уларнинг бевосита фаолиятида лингвистик фактларни кузатишга имкон беради.

Annotation

В статье рассматривается исторический путь развития женских личных имен и фамилий – антропонимов в английском и узбекском языках. Особое внимание уделяется происхождению антропонимов, особенностям образования, различным историческим процессам, оказавшим непосредственное влияние на их формирование на важных этапах истории. В статье представлены наиболее употребительные личные имена в разные исторические периоды. Актуальность статьи определяется тем, что в антропонимах отражаются действующие в языке морфологические и семантические тенденции, что позволяет проследить языковые факты в их непосредственном функционировании.

Annotation

This article studies the historical path of development of women's personal names and surnames – anthroponyms in English and Uzbek. Particular attention is paid to the origin of anthroponyms, the peculiarities of their formation, various historical processes that had a direct impact on their formation at important stages of history. The article presents the most common personal names in different historical periods. The relevance of the article is determined by the fact that the anthroponyms reflect the morphological and semantic tendencies acting in the language, which makes it possible to trace the linguistic facts in their direct functioning.

Таянч сўз ва иборалар: ономастика, ономастик квалиметрия, атоқли исмлар, аллоним, иккимоментли исмлар.

Ключевые слова и выражения: ономастика, ономастическая квалиметрия, собственные имена, аллонимы, двухкомпонентные имена.

Keys words and expressions: onomastics, onomastic qualimetry, proper names, allonyms, two-component names.

Инглиз ва ўзбек тиллардаги аёллар исмларининг келиб чиқиши масаласи “Ономастика”, “Ўзбек ономастикаси”да ҳалигача ўрганилгани йўқ. Лекин бу мавзунинг ўрганилиши ҳам ономастика учун, ҳам лингвокултурология учун янги-янги маълумотларни бериши табиий. Шунинг учун биз инглиз ва ўзбек тилларидағи аёллар исмларининг исмлилик маънолари хусусида фикр юритишни

үринли деб биламиз. Инглиз атоқли номлари (антропонимлар)нинг тарихий ривожланиш босқычи ҳақида сўз юритилганда ономастикани тилга олиб ўтиш жоиз. Албатта, ономастик муаммолар тўғрисида гапирганда ономастик квалиметрия масаласига ҳам эътибор бериш лозим. Чунки иккала қиёсланаётган тилнинг исмларга оид материалларининг ишончли ва аниқлиги масаласи ономастик

кваламетрия [1,3-4] да ўз ифодасини топади. Зеро, мазкур термин айни вақтда нисбатан янги терминлардан бири саналади ва қуидаги маънога эга: ономастик материаллар(икки тилга оид исмлар)нинг маълум ономастик меъёрлар асосида текшириш ва асослаб бериш усулидир.

Аввало ономастика терминининг таърифи ва тушунчаси тўғрисида тўхталиш лозим бўлади. Бу терминни Ўзбекистон миллий энциклопедияси қуидагича тарифлайди: **Ономастика** (юнонча *ονομαστική* — номлаш, ном қўйиш санъати) — тилшуносликнинг ҳар қандай атоқли номлари, уларнинг пайдо бўлиш ва ўзгариш тарихини ўрганувчи бўлими, шунингдек, барча атоқли номлар йигиндиси. Айрим тадқиқотларда "Ономастика" термини антропонимика маъносида ҳам қўлланган. Ономастика мавжуд ономастик тизимларни аниқлаш ва ўрганишни мақсад қилиб қўяди.[[О'зМЕ](#). Birinchi jild. Toshkent, 2000. –Б]

"Ономастика" (ономасиология, ономатология) – тилшуносликнинг атоқли отларни ўрганадиган бўлими бўлиб, у қуидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- антропономика – киши номларни ўрганади;
- этнономика – миллатларнинг номларини ўрганади;
- топономика – географик жой номларини ўрганади;
- гидрономика – сув ҳавзалари номларини ўрганади;
- зоономика – ҳайвонлар номларини ўрганади;
- терминология – ишлаб чиқаришдаги маълум тармоқнинг, йўналишнинг;

мутахассисликнинг терминлари мажмуаси бўлиб, лексикологиянинг маҳсус қатламини ташкил қиласди [3,43-44]."

Ономастика бўйича кўпгина илмий изланишларнинг автори бўлган А. В. Суперанскаянинг фикрича "Ономастика" термини икки хил тушунчага эга: биринчидан, у атоқли исмлар ҳақидаги кенг қамровли фан ҳисобланади; иккинчидан, ономастика бу атоқли номларнинг ўзири. Бу фан атоқли номларнинг асосий тарихий қонуниятлари, уларнинг ривожланиши ва қўлланилишини ўрганади. Атоқли исмларни ўрганишда уларнинг ўз материаллар ва қўлланиш меъёри, яъни услубиётига эга бўлган ономастика алоҳида фан сифатида қаралмайди, чунки у фанларнинг

бирлашиши натижасида пайдо бўлган ва шу сабабли бу фан бошқалардан тадқиқот предметининг мураккаблиги билан фарқ қиласди. (Термин ОНОМАСТИКА имеет два значения. Во-первых, им обозначается комплексная наука об именах собственных; во-вторых -- сами имена собственные. Ономастика изучает основные закономерности истории, развития и функционирования собственных имен. Обладая своим материалом и методикой изучения его, ономастика не может не быть самостоятельной дисциплиной. Поскольку она возникла "на стыке" наук, она отличается чрезвычайной комплексностью предмета исследования) [2, 368]

Ономастикада лингвистик компонентнинг алоҳида ўрни нафақат ҳар бир исмнинг лисоний қонуниятларига кўра ривожланувчи алоҳида сўз эканлигигина эмас, шунингдек ҳар бир атоқли исм ҳақидаги маълумот лингвистик воситалар ёрдамида олиниши ҳам назарда тутилади. А. В. Суперанская, "Общая теория имени собственного" («Атоқли исмнинг умумий назарияси») номли ишида, «антропонимлар фақатгина одамларнинг номланишига боғлиқлигага қарамасдан, ушбу ягона объект исмлар категориясининг мураккаб спектрига эгадир, ва у маданият тарихи, одамлар психологияси, анъаналари ва кўпгина бошқа нарсалар билан боғлиқидир» (Доминирует в ономастике лингвистический компонент не только потому, что каждое имя - это слово, развивающееся по законам языка, но и потому, что информация каждого имени "добывается" с помощью лингвистических средств.)[5,368]. Антропонимлар атоқли исм, фамилия ва исм шарифдан иборат маҳсус тизимни ташкил этади. Атоқли исмлар бир тилдан иккинчи тилга ўтганда камдан-кам ҳолатларда ўз бирламчи шаклини сақлаб қолади. «Маълум даврдаги тил бу – маълум даврда мавжуд бўлган ва ривожланаётган тилдир», – деб таъкидлайди профессор А. И. Смирницкий [6,318].

Атоқли исмларнинг бошқа тилга ўтишида ҳам ўзгаришлар кузатилади. Қабул қилаётган тилнинг тизими атоқли исмларни ўзига мослаштиради ва қайта ишлайди. Ўзга тилдан олинган сўзнинг адаптацияси қабул қилаётган тилнинг тизими орқали семантический, морфологический, фонетический каби ҳар қандай даражаларда ўзгаришларга дучор бўлади. Масалан, Анна исми рус тилида

ТИЛШУНОСЛИК

ҳам, инглиз тилида ҳам, француз тилида ҳам учрайди. Бу исм юонча лотин тилида: "Avva ва ибронийча Ханна (ибронийча: *nannā Ḥannāh*), "илтифот" ёки "иноят" ёки "гүзәл" деган маънени англатади. Анна дунёниг турли мамлакатларида кенг қўлланилади ва унинг Аннэ каби варианлари мавжуддир, дастлаб французча исмнинг французча шаклидир, гарчи инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда юзлаб йиллар давомида ишлатилган бўлса-да, ва дастлаб Энн инглизча имлога эга бўлган. Сент-Анне анъанавий равишда Бокира Марияннинг онасининг исми бўлиб, бу насронийлар орасида кенг қўлланилади ва машҳур. Европа ва Америка халқларининг қўпчилик қисмida инглизлар ва америкаликларда атоқли исм ва фамилиядан ташкил топган икки исмли антропонимик тизим яратилган. Рус, украин и белорусларда эса бу тизим уч исмлидир –атоқли исм, шариф ва фамилия. Инглиз тилидаги «атоқли исм»га *first name, christian name, baptismal name, personal name* и *given name* каби сўз бирикмалари тўғри келади. *Forename* ва *prename* синонимик терминлар (лот. *praenomen* лексик калька) шунингдек «исм, фамилия исмидан олдин турувчи исм»га мос келади. Ундан ташқари, Вебстернинг катта луғатидаги «фамилия» ёки «фамилия номи» терминларига инглизча *surname* ва *family name*лар тўғри келади. *Prenome* ва *family name* – американализмлардир [7,4].

Инглизлар, америкаликлар ва бошқа инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг фуқаролари рус миллати Александр Сергеевич Пушкин, каби ўз ватандошларини исм, фамилия ва шариф орқали номламайди, фақат исм ва фамилия бўйича номлайди, *Mark Twain, Jack London* деб.

Тузулиши ва семантик белгилари бўйича инглиз қадимий аёллар исмлари эркаклар исмларидан фарқ қилмаган. Исмнинг иккинчи компоненти унинг қайси родга мансублиги кўрсаткичи ҳисобланган. Эркаклар исмлари уларнинг родига мансуб отлар орқали ифодаланган: *gar* – найза; *haſoc* – қирғий; *helm* – дубулға; *h e re* – армия, қўшин; *man* – одам; *raed* – кенгаш, қарор; *sige* – ғалаба; *stan* – тош; *sunu* – ўғил; *weard* – васий, қўриқчи; *wig* – кураш; *win* – дўст. Қадимий инглиз тилидаги аёллар исмларидаги иккинчи компонент уларга мансуб роддаги отлар бўлган: *burg*, *burh* – тўрт девор ичидаги жой, қаль; *frithu*

–тинчлик; *gyfu, gifu* – тухфа, совға; *guth* – жанг, уруш; *henn* – товук; *run*-сир-атвор. Умуман олганда исмлар шаклланиши албатта, уларга асос бўлган *антропоасос*[8, *qarang*] воситасида юзага келади.

Сифатлар ҳам исмнинг иккинчи компоненти сифатида ишлатилган. Масалан, эркаклар исмларидаги сифатлар одатда одамнинг ижтимоий келиб чиқиши ва хулқ-атворини ифодалар эди: *b e a Id* – жасур, қўрқмас; *beorht* – ёрқин, ёргуғ; *h e a h* – баланд бўйли, савлатли; *heard* – қатъиятли; *maege* – машҳур, шарафли, муҳташам; *rice* – қудратли, юкори унвонли, бадавлат. Аёллар исмлардаги иккинчи компонент сифатида *leof*(азиз, севимли) кабидан фойдаланилган.

Ўзбек антропонимлари орасида умумтуркий қатлам билан бирга форсча тожикча, арабча, сўғдча, мўғулча, хитойча сўзлар ҳам мавжуд, уларни аниқлаш учун тадқиқотчи турли тилларга оид луғатларга, тарихий-этимологик манбаларга мурожаат қилади [9,31].

Ўзбек антропонимиясининг миллий ўзига хослигини икки лисоний материал таъминлайди. Булар: туб туркий номлар ва ўзбекча исмлардир. Миллий-лисоний рух, айниқса ўзбекча номларни ижод қилишда ёрқин намоён бўлади: Турсуной(яшаб қолсин), Гуласал(гулу асал кабиноёб бўлсин), Гулрух(қалби ҳам руҳи ҳам исми ҳам мос бўлсин), Бўригул(йиглаб туғилган ёки тиши билан дунёга келган), Меҳкам (соғлом, маҳкам, ўниб ўсадиган), Жаҳонгир (дунё кезадиган), Жавоҳир (аклли, билимли). Туб туркий қатламга мансуб номларнинг аксарияти аппелятив маъноси аниқ сезилиб турган номлардир. Шунга қарамасдан исмларнинг бу қатламида маъносига кўра уч хил номларни учратиш мумкин: 1) маъноси аниқ сезилиб турувчи номлар; 2) маъноси ҳозирда қоронғилашган исмлар; 3) ўлик маъноли номлар. Аксарият ўзбекча исмлар биринчи ва иккинчи гурухга мансубдир.

Туркий қатламга мансуб номларни лексик-семантик жиҳатдан уч гурухга ажратиш мумкин: 1) исм-бағишловлар; 2) ном-изоҳлар; 3) исм-тилаклар...” [10,18].

Инглиз атоқли исм ва фамилияларнинг тарихий ривожланишини ўрганиб чиқиб қуйидаги холосага келиш мумкин:

-инглиз антропонимларнинг пайдо бўлиши Англия тарихий жараёнлари билан боғлиқ;

-инглиз исмлари қадимий от туркумига кирувчи сўзлардан ва инжил исмлардан пайдо бўлган;

-ўзга европа тиллардаги атроф муҳитга оид предмет номларидан олинган;

-шунингдек машхур адабий асарлардан олинган;

-инглиз фамилияларининг аксарият қисми оддий лақаблар, топонимлар, турдош исмлар ва кишининг ташки кўриниши ва касбига оид сўзлардан пайдо бўлган.

Инглиз исмларнинг тарихий ривожланиши бошқа герман қабилалари каби бир компонентли исмга эга бўлган англосакслардан бошланади, ва у исмлар ўз тузилишига кўра содда шаклга эга бўлган (*Froda* – «донишманд, оқил, қари»; *Hwita* – «оқ» ва ҳоказо) ёки мураккаб (*Aethelbeald* – «олийжаноб, ажойиб + жасур»; *Eadgar* – «эгалик, мулк, бойлик+найза») [11,319].

XIV асрнинг бошида содда исмларнинг ўрнини мураккаб, иккиси компонентли исмлар эгаллади. Бироқ ҳозирги пайтда Англия ва АҚШ да содда Хилда (*Hilda*) номли аёллар исми ҳали ҳам мавжуд. Бу исм қадимий немис тилидаги *hiltja* – «жанг, кураш» маънога эга исмдан келиб чиқкан. Аммо бу исмни *Brunhild(e)* ва *Hildegarde* исмларининг қисқартирилган шакли сифатида кўриш мумкин. Баъзи қадимий инглиз мураккаб исмлари семантик нұқтаи назаридан алоҳида экзоцентрик композитларни акс этади. Ва бундай мураккаб исмларнинг маъноси уларнинг компонентлари миқдори билан аниқланмайди. Мисол тариқасида инглиз аёллари исмларидан бири бўлган *Frithuwulf* – «тинчлик, хавфсизлик + бўри», *Wigfrith* – «кураш, уруш +тинчлик, хавфсизлик» маъно берувчи сўзларга эга исмларини келтириш мумкин. Эндоцентрик ёки ноидиоматик қадимий инглиз мураккаб исмларнинг маъносини осонликча англаш мумкин, масалан, *Aethelstan* – «олийжаноб, ажойиб + тош», *Maerwine* – «машхур, шарафли + дўст».

Мураккаб исмларнинг компонентлари қадимий инглиз турдош сўзлардан олинган: *aelf* – эльф, яъни рух, афсонавий махлук; *beorht* – ёрқин, ёруғ; *beorn* – киши, жангчи, қаҳрамон; *e a Id* – қадимий, қадимги, бурунги; *gar* – найза; *gifu*, *gyfu* – совға; *god* – яхши, яхшилик, ҳадъя;

gold – олтин; *leof* – қадрли, севимли, ёқимли; *maere* – таникли, шарафли; *raed* – қарор; *rice* – қудратли, юқори унвонли, бадавлат; *sae* – денгиз, кўл; *sige* – ғалаба; *stan* –тош; *sunu* – ўғил; *weard* – қоровул, ҳимоя, ҳомийлик; *wig* – кураш, уруш, жасурлик, ҳарбий куч; *wine* – дўст; *wulf* – бўри [12,319]. Англосакслар турдош сўзларнинг сеҳрли кучга эга деб ҳисоблашган. Бунда улар исмнинг аталувчини ҳимоя қилиши, унга ҳомийлик қилиш, ва кишига фаровонлик, бойлик, саломатлик ва шараф олиб келишига ишонишган. Баъзи исмлар эса мураккаб исмда маълум ўринга эга бўлган. Улар исмда биринчи ёки иккинчи ўринни эгаллаган, яна бошқалари эса икки ўриндан ҳар бирига эга бўлган. Мисол учун, *aelf*, *aethele*, *ead*, *eald*, *god*, *gold* сўзлари исмнинг биринчи ўринни эгаллаган, *beald*, *gar*, *gifu*, *raed*, *rice*, *stan*, *weard* сўзлари эса иккинчи ўринда, ва *beorht*, *leof*, *maere*, *sige*, *wig*, *wine*, *wulf* сўлари мураккаб исмнинг ҳар қандай ўрнида туриши мумкин бўлган.

Агарда шахслар бир оила гуруҳига мансублигини кўрсатиш керак бўлса аллитерация яъни “сўзларнинг бошланғич ва/ёки ургули бўғинларидағи ундош товушларнинг такорланиши” методи орқали яратилган мотивациялашган аллонимлар орқали ёки ота-она исми компонентларининг бирлаштирилиши орқали амалга оширилган [14,10].

Аллоним –бу бирор кишининг исмини бошқа киши орқали таҳаллус сифатида ишлатиладиган ҳақиқий исмдир [*havolaga qarang*]. Инглиз ономатологи Утикомб т ундош ҳарфи аллитерацияси орқали ишлатиладиган аллонимларнинг қуйидаги мисолини келтиради. *Maerewald* (таникли, шарафли + бошқармоқ, ҳукмронлик қилмоқ) исмли англосакс кишисининг уч қизи бўлган. Уларнинг исмлари *Mildthryth* – «юмшоқ, ювош, раҳмдил + куч, қудрат» (замонавий аёллар исми *Mildred*), *Mildbu rh* – « юмшоқ, ювош, раҳмдил + тўрт девор ичидаги яшовчи; қалья» ва *Mildguth* – «юмшоқ, ювош, раҳмдил + уруш, кураш» [15,10].

Қариндошлик алоқаларининг ота-она исмларидаги компонентларнинг комбинацияланиши мисоллари инглиз ономатологи Перси Рини томонидан кўрсатилади. VII асрнинг бошларида Нортумбрия қиролининг жияни Эдвин *Hereric* (армия, + , юқори унвонли,

ТИЛШУНОСЛИК

бадавлат) ва унинг рафиқаси Breguswith (жаноб, қирол + кучли, қаттиқ) ўз қизини Hereswith (армия + кучли, қаттиқ) деб ном беришди. Имя св. Вульфстана (Wulfstan – «волк + камень»), епископа Вустера (1062–95 гг.) составлено из первого компонента имени матери Wulfgifu (волк + дар) и второго компонента имени отца Aethelstan (благородный, превосходный + камень) [16, 10].

Шахсга оид исм кўплаб таркибий қисмларни ўз ичига олади: лисоний-маданий, тарихий, прагматик, лингвопсихологик ва бошқалар, ва улардан бири мерос қилиб олиниши, тақрорланиши, кўпайтирилиши мумкин. Англия тарихида Генри номи билан саккиз нафар қироллар ҳукмронлик қилган. Бинобарин, оиласий суюла давом этиши муҳим эди ва у ҳақиқатда ривожланиб бораради. Кейинги авлодларга ном беришда ушбу исмдан фойдаланиб, унинг мазмунига бўлган эътибор тобора ошаверган.

Кейинчалик исмни мерос қилиб олиш фикри ўзгарди. Джорж, Эдвард ва бошқа исмли қироллар номлари маълум бўлган. Бундай ҳолатлар кўплаб бошқа тиллар маданиятида ҳам учрайди. Ушбу русм оила мисолида ҳам кузатилади. Масалан, исм фарзандларга ота-онадан ёки яқин қариндошдан ўтиши мумкин, ва агарда ушбу берилган исм унинг эгасига салбий таъсир кўрсатса, у ҳолда у фарзанднинг исми ўзgartирилади токи аввалги эгаларига келтирилган ёмонлик унитилмаганга ва бу исм яхши ном чиқармагунга қадар. Шундай қилиб, ҳар бир исмнинг ўз маъноси муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқининг исмлари асосан тоҷик, араб ва эрон тилларидан олинган. Арабча исмларнинг орасида Ислом дини талаблари бўйича шаклланган исмлар ҳам

мавжуд. Бундай исмларга мусулмонлар томонидан катта эътибор берилади.

Ислом динида фарзандларга тегишли бўлган асосий қоидалардан бири бу уларга чиройли, хушоҳанг ва ҳислатларига мазмун берувчи исм беришdir. Ота –онанинг ўз фарзандига яхшилик, поклик ва ҳаёт йўлини порлатувчи ва албатта бу исм ўз қадим Ислом тарихига эга, ўтмишдаги эгасига хос ҳурмат, ҳислатларларини билдирувчи ном қўйишdir. Буюк пайғамбаримиз Мухаммад саллороҳу алайхисалом ўзлари қизларга мазмунли оҳангдор исм берганлар. Ҳар бир миллатнинг исмларга оид урф-одат ва анъаналари мавжуд. Қиз болалар учун мусулмонча исмлар мазмуни билан нафақат мусулмон ҳалқ аҳлини шунингдек бошқа дин вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Ҳар бир муслима аёллар исмларининг асосида ўз тарихи ёхуд афсонасига эгадир ва улар чуқур мазмунни англатади. Баъзи исмлар Куръони каримдан олинган, аммо асосан ислом ёки араб манбалардан олингандир. Уларнинг кўпчилиги ажойиб ва ёқимлидир. Куръони каримда фақат ягона аёллар учун нафосатли исм учрайди, ва бу исм Маръям, пайғамбаримиз волидаларига аталган суранинг номи ҳам Маръям деб аталган. Ислом анъаналарига кўра қизлар исмларининг истиора ва қиёс каби гўзал ва бадиий маъносини англаш катта аҳамият касб этади, сабаби, бу нафақат ономастикага оид саволларга таалуқлидир, балки тарих, дин ва маданиятсоҳаларида ҳам қизиқиш уйғотади. Қиз боланинг отаси ўз қизига исм берәётганида бу унинг келажакда исм эгасининг турмуш ўртоғи учун ҳам ёқимли ва мазмунли бўлишига аҳамият бериши лозим.

Адабиётлар:

1. Эназаров Т.Ж., Есемуратов А.Й. ва б. Ўзбекистон жой номларининг этимологик луғати - топонимлар тилсими. –Т.: Нодирабегим, 2019.
2. Маджидова Р.У., Мухитдинова Х.С, Султонова Ш.М. “Тилшуносликка кириш” фани бўйича маъruzalap matni. –T., 2018.
3. .Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. Изд. 3-е, испр. -М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009.
4. Смирницкий А. И. Древнеанглийский язык. -М.: МГУ, 1998.
5. O'zbek tili onomastikasi masalalari (B.Yo'ldoshev, Танланма фанидан услубий қўлланма, СамДУ нашри, Самарқанд, 2011 й.), 31 б. Сатторов Ф.Х. Ўзбек исмларинкг туркий қатлами. НДА. – Т., 1990.
6. Рыбакин А.И. Словарь английских личных имён: 4000 имён. Изд. 3-, исправ. М.: Астрель; АСТ, 2000.
7. <https://ru.wiktionary.org/wiki/%D0%B0%D0%BB%D0%BE%D0%BD%D0%BC>.
8. [O'zbekiston milliy ensiklopediyasi - Vikipediya \(wikipedia.org\).](https://O'zbekiston milliy ensiklopediyasi - Vikipediya (wikipedia.org).)
9. <https://medinaschool.org/library/creed/imena/muslimskie-imena-dlya-devochek>.